

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. <https://uzlidep.uz/uz/news-of-party/8971>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сонли фармони. 26.10.2016 й. Lex. Uz.
3. McCalla R.J. The Geographical Spread of Free Zones Associated with Ports. // *Geoforum* 21 (1) (1990): 123-128.
4. Guangwen M. The Theory and Practice of Free Economic Zones: A Case Study of Tianjin, People's Republic of China. // *Doctoral Thesis, Ruprecht-Karls University of Heidelberg, Germany, 2003.* Baraga H.C. Prospects for Free Zones Under FTAA. // Paper presented at the Integration in the Americas Conference, Latin American and Iberian Institute, University of New Mexico, 02 April 2006.
5. Друзик Я.С. Свободные экономические зоны. – М.: ФУАинформ, 1999. С.В.Приходько, Н.П.Воловик. Особые экономические зоны. / Консорциум по вопр. приклад. эконом. исслед., Канад. агентство по междунар. развитию [и др.]. – М.: ИЭПП, 2007. –268 с.
6. Черненко Н.В. Свободные экономические зоны в мировой экономике. // *Вестник БГЭУ*, 1998.
7. Богуславский М.М. Международное частное право. 5-е изд. – М.: Юрист, 2004.
8. Данько Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. – М.: ИНФРА-М, 1998. С. 168.
9. Farole T. Special economic zones in Africa: comparing performance and learning from global experience. *Directions in Development; trade.* World Bank. 2011.
10. Семенов К.А. Международные экономические отношения. Курс лекций. – М.: Гардарики, 2000.
11. Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2008.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни.
13. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
14. Ҳисоб-китоблар мазкур ЭИЗлар ташкил этилгандан 2019 йилгача “Навоий” ЭИЗ, “Ангрен” ЭИЗ, “Жиззах” ЭИЗ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида амалга оширилган. Хорижий ЭИЗларнинг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, чегара қиймати белгиланган.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сонли фармони.



ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Махмудов Азизхўжа Зиёдуллаевич –
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси,

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a82

Аннотация. Мақола аграр соҳадаги ислоҳотларнинг бошқичлари ва концептуал асосларига бағишланган бўлиб унда ушбу соҳадаги ислоҳотларни 1991-2016 ва 2017-2021 йиллар оралиғидаги даврларга бўлиб таҳлил қилинган ва 2020-2030 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари таклиф қилинган. Шунингдек, аграр соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, замонавий шароитларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг концептуал асослари очиб берилган ва кластер тизими шароитида фермер хўжаликлари муносабатлари тизимининг ташкилий тузилмаси таклиф қилинган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиги, кўп тармоқли фермер хўжалиги, кластер тизими, давлат томонидан тартибга солишнинг субъектлари ва объектлари, тамойиллари, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш, молиявий тартибга солиш ва қўллаб қувватлаш.

ЭТАПЫ И КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РЕФОРМ АГРАРНОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Махмудов Азизхўжа Зиёдуллаевич –
Независимый исследователь ТГЭУ

Аннотация. В статье раскрыты этапы и концептуальные основы реформы в аграрной сфере, анализ реформы в экономической сфере за период 1991-2016 и 2017-2021 гг., а также предложены стратегические направления развития аграрной экономики в Узбекистан в 2020-2030 гг. Также раскрываются основные направления государственной политики в аграрной сфере, концептуальные основы аграрной реформы в современных условиях, а также предложена организационная структура системы фермерских отношений в контексте кластерной системы.

Ключевые слова: сельское хозяйство, фермерское хозяйство, многоотраслевое хозяйство, кластерная система, субъекты и объекты государственного регулирования, принципы, государственное регулирование сельского хозяйства, финансовое регулирование и поддержка.

STAGES AND CONCEPTUAL FOUNDATIONS OF AGRICULTURAL REFORM IN UZBEKISTAN

Makhmudov Azizxuja –
Independent researcher of the TSUE

Abstract. The article reveals the stages and conceptual foundations of the reform in the agrarian sector, an analysis of the reform in the economic sphere for the period 1991-2016 and 2017-2021, and also suggests strategic directions for the development of the agrarian economy in Uzbekistan in 2020-2030. It also reveals the main directions of state policy in the agrarian sector, the conceptual foundations of agrarian reform in modern conditions, and also proposes the organizational structure of the system of farm relations in the context of the cluster system.

Key words: agriculture, farming, diversified economy, cluster system, subjects and objects of state regulation, principles, state regulation of agriculture, financial regulation and support.

Кириш. Республикамизда аграр соҳасида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва улар мулкни хусусийлаштириш, жамоа хўжаликлари асосланган мулкчилик шаклини ташкил этиш жараёнида қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб пировард мақсад қишлоқ хўжалигида мавжуд иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Тармоқда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийиб 28% яратилиб деярли 30 % банд аҳоли айнан ушбу тармоқда фаолият олиб боради. Бундан ташқари ушбу тармоқ бугунги кунда глобал масштабда долзарб муаммага айланиб бораётган жаҳон озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашнинг негизини ташкил қилувчи ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар этиштирилади. Шунингдек қишлоқ хўжалиги саноатнинг қайта ишловчи соҳалари учун хом ашё этиштириб бериб, ушбу жиҳатдан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимини барқарор ривожланиши учун ҳам ресурс базаси вазифасини бажаради. Демак, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Республикамизнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноати, озиқ-овқат ва кимё саноати каби кўплаб тармоқларининг ривожланиш истиқболлари, иқтисодий ва молиявий аҳоли, бу бутун саноат салоҳиятининг ярмига яқини бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” да[1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[2] қарорида республикамизда аграр соҳани ривожлантириш, соҳанинг барча тармоқларида изчил ислохотларни олиб бориш мақсадида бир қатор вазифалар ва устувор йўналишлар белгиланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистонда аграр соҳадаги ислохотларни олиб боришда ушбу тармоқни барча мамлакатларда кутатилганидек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини амал қилишига эҳтиёжни вужудга келтиради. Бугунги кунчага фан сифатида қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ёки қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти сифатида

ўрганилиб келинган. Ушбу фан таркибида қишлоқ хўжалигида ислохотларни томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари фан таркибида ўрганилган бўлса ҳам, адабиётларда аграр соҳадаги ислохотларни олиб бориш қисман ёртитилган.

Ушбу йўналишда иқтисодчи олимлар Ж.Пенсон[3], М.Л.Лишанский[4], Эндрю Барклей[5], Б.Чарлз[6], Б. Эддон[7], Т. В. Сладкова[8] ва бошқа олимларнинг асарларида қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий ҳамда амалий асослари ўз ифодасини топган.

Хусусан, пахта тозалаш, текстил, енгил, озиқ овқат ва кимё саноат тармоқлари каби саноатнинг қарийиб ярим тармоқларининг молиявий-иқтисодий ривожланиши бевосита қишлоқ хўжалигини ривожланишига боғлиқдир. И.А. Минаков[9], В.А. Кундиус[10], Л.А. Третьяк [11] каби иқтисодчилар, мамлакат миллий иқтисодиёти ва аҳолининг турмуш фаровонлиги айнан бутунлай ушбу тармоқнинг ривожланишига чамбарчас боғлиқлигини таъкидлашади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашга доир масалаларини тадқиқ этишга мамлакатимиз олимларидан У. Умурзаков[12], Ч.Муродов[13], Р.Ҳакимов [14], ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Иқтисодчи С. Кузнецов тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш масалаларини назарий жиҳатдан тизимлаштириб, жараёнли парадигма сифатида унинг бир қанча муҳим илмий иқтисодий тадқиқот қоидалари ёритиб берган. Хусусан, “Молиявий қўллаб қувватлаш” концепцияси пул маблағлари ёки моддий активларнинг комбинацияси сифатида тақдим этилишини эътироф этади[15].

Америкалик иқтисодчилар Зви Боди ва Роберт Мертонлар[16] молиявий қўллаб-қувватлаш тизимига аниқлик киритиб, молиявий қўллаб-қувватлаш тизими сифатида маълум объектларга нисбатан қабул қилинадиган тадбирларни амалга ошириш ҳаракатлари мажмуаси ва кетма кетлиги эканлигини илгари суришган. Улар молиявий таъминот билан боғлиқ қўллаб қувватлаш тизими молиявий категория сифатида молиянинг иқтисодий моҳияти ва функцияларига асосланиши лозимлигини эътироф этишади.

Иқтисодчи С. В. Барулин, молиявий қўллаб қувватлаш тизимини икки томонлама жараён сифатида кўриб ўтади[17]. Унинг фикрича молиявий қўллаб-қувватлаш тизими, алоҳида иқтисодий агентларни молиявий таъминот тизимини маълум ноаниқликлар шароитида оптимал таъминлашни мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Иқтисодчи И.В. Зиятковскийнинг фикрича, молиявий қўллаб қувватлаш яхлит тизим

сифатида жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини барқарор ривожланишини молиявий таъминлаш учун қулай муҳит яратадиган молиялаштириш манбалари ва шакллари тизимидир[18]. Т. В Соколская қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб қуватлаш тизимига аниқлик киритиб, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларининг асосий ва айланма, хусусий ва қарз маблағлар билан таъминлаш, етарли ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун қулай молиявий шарт шароит яратиш тизими эканлигини таъкидлайди[19].

Иқтисодчи В.М. Опариннинг фикрича, маълум соҳаларни молиявий қўллаб қувватлаш тизими мавжуд молиялаштириш тизими базасида амалга оширилади. Уни уч асосий шакллари мавжудлигини эътироф этиб ўтган[20]. Булар: ўзини ўзи молиялаштириш, кредитлаш тизими ва ташқи молиялаштиришнинг бошқа бозор ва нолбозор шакллари. Молиявий қўллаб қувватлашнинг ушбу шаклларида фойдаланиш жамият ривожланишининг у ёки бу босқичларида ташкил қилинадиган оптимал муносабатларга таянади.

“Молиявий қўллаб-қувватлаш” тизими борасида иқтисодчилар Л.В. Дикан ва Ю.О. Холублар қуйидаги муҳим фикрларни тизимлаштиришган “...корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш кенг маънода такрор ишлаб чиқаришнинг зарурий ҳажми учун зарурий харажатларни молиявий таъминлаш орқали корхонанинг барқарор ривожланишини мувофиқлаштирадиган чора тадбирлар ва шарт шароитлар мажмуасини ўзида мужассамлаштиради”[21].

Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш асосида иқтисодиётни ривожлантириш ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш методологияси бўйича П.С.Осмоловская[23], қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсиши ва уларнинг молиявий хавфсизлиги тўғрисида А.Г.Аганбегян [24] ва аграр соҳада ишлаб чиқариш рискинни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни О.П. Нейфельд[25]лар тадқиқотларида кўриш мумкин. Маҳаллий олимларимиздан А.Абдуғаниев[26] қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, корхоналар, тармоқларнинг ривожланиши, иқтисодий самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, келажакда уларнинг самарадорлиги юксалишини таъминловчи омиллар тўғрисида илмий изланишлар олиб боришган. Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларини ўрганиш натижасида аграр соҳадаги ислохотларни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг механизмлари чуқур ўрганилмаганлигини кўрсатди ва бу ўз навбатида

мавзу доирасида тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқот методологияси. Аграр соҳадаги ислохотларнинг босқичлари ва концептуал асосларини тадқиқ қилишида илмий абстракциялаш, индукция-дедукция каби назарий усулларидан ва кузатиш, статистик таҳлил, вертикал ва горизонтал таҳлил, иқтисодий-математик каби эмпирик усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Кўпгина тадқиқотчилар аграр соҳанинг ривожланиши ва унинг умуман ижтимоий-иқтисодий ўсишга таъсири муҳимлигини таъкидлайдилар. Масалан, БМТнинг озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ҳалқаро ташкилоти (FAO) тадқиқотчилари иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қараганда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсиш нисбатан юқори мултипликатив тавсифга эгаллигини таъкидлаб, глобал қашшоқликни камайитиришда бошқа тармоқларга нисбатан юқори аҳамиятга эгаллигини таъкидлайди. Бу албатта аввало юқори қўшилган қиймат занжирига асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган модернизациялаш сиёсати ҳисобига истиқболда интенсив ишлаб чиқариш тизимини жорий қилиш орқали: (а) аҳолининг кенг қатлами учун ижтимоий тавсифга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш; (б) саноатда қайта ишланадиган маҳсулотларни етиштириш орқали саноатнинг истиқболли ривожланиши учун муҳим ва сифатли хом ашё базаси ролини ўйнашида; (в) тармоқ ривожланишини таъминлаш орқали қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринларини яратиш ва уларнинг реал даромадларини ошириш; (г) қабағалликни қисқартириш; (д) қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш каби имкониятлари орқали ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотинининг озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) тадқиқотчилари шундай хулосага келишганки[27], қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсишнинг ҳар бир фоизи камбағаллик даражасини ўртача даражасини 1,5 фоизга қисқартириш имкониятларини беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритган дастлабки даврдаёқ, миллий иқтисодиётни ислох қилиш ва уни бозор механизмлари асосида ривожлантиришга йўналтирилган туб ислохотларда қишлоқ хўжалиги марказий аҳамият касб этиб келмоқда. Хусусан, 1991-2016 йилларга мўлжалланган қисқа тарихий давр мобайнида барча тармоқларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу ислохотлар бир қатор асосий йўналишларга қаратилганлиги таъкидланади.

1991-2016 йилларда аграр соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари[28]

№	Ислоҳотлар концептуал йўналишлари	Натижалар
1.	Экин майдонларини реструктуризация қилиш,	Дон ва дон маҳсулотлари мустақиллигини таъминлаш ва озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш 80 % импортга асосланган буғдой ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш
2.	Аграр секторда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш	Картошқачилик, узумчилик, асаларичилик, паррандачилик ва балиқчилик каби тармоқларни ривожлантириш белгилаб олинди
3.	Мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш	Давлат ва жамоа хўжаликлари тугатилди, янги агротехнологиялар ва юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил қилинди.
4.	Имтиёзли молиялаштириш ва унда корпоратив кредитлаш тизимини жорий қилиш	Қишлоқ хўжалигини имтиёзли кредитлаш ва субсидияларни ажратишнинг бозор механизми жорий қилинди.
5.	Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун зарурий инфратузилма тизимини жорий этиш	Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун техник хизмат кўрсатиш тизими ташкил қилинди. Зарурий моддий техник таъминот (Ёқилғи мойлаш материаллари, кимёвий ўғитлар, зарарқурандаларга қарши биологик ва кимёвий воситалар, уруғлик етказиб бериш) тизими шакллантирилди
6.	Логистик тизимларнинг бозор механизми шакллантириш.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш, саноатда қайта ишлаш учун транспортировка тизимини ўзида мужассамлаштирган инфратузилма


Экин майдонларини таркибининг ўзгартирилиши, ғаллачиликни ривожлантириш ҳисобига пахта майдонлари қарийиб икки баробарга қисқарди. Натижада пахтачилик асосида бир томонлама ривожланган моноукладли қишлоқ хўжалиги, кўп укладли ва кўп тармоқли иқтисодий тармоғи сифатидаги ривожланиш векторини бошлаган. Натижада пахтачиликни қисқартириш ҳисобига 80 % импортга асосланган дон ва дон маҳсулотлари импортига барҳам беришга кўмаклашувчи ғаллачиликнинг ривожланиши орқали дастлабки мустақил мамлакатимизнинг озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ислоҳотлар натижалар берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиниши натижа-сида қишлоқ хўжалигидаги янги тадбиркорлик субъектларини молиявий таъминлаш тизими ўз ўзини молиялаштириш ва ўз ўзини қоплаш билан бирга тўлиқ хўжалик мустақиллиги принциpga асосланди. Натижада давлат томонидан молиялаштириш тизимининг аҳамиятини пасайиб бориши билан бирга, корпортив молиялаштириш тизими орқали молиявий таъминот тизими ривожланиб борди. Лекин тармоқда асосан ижтимоий аҳамияти юқори бўлган кундалик истемол маҳсулотларини етиштирилиши, уларнинг нархини бозор муносабатлари шароитида кескин ортиб кетиши натижасидаги аҳолининг ўрта ва кам таъминланган ижтимоий қатлами истемол талабини пасайишини олдини олиш мақсадида тармоқда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришнинг замонавий бозор механизмлари жорий этилди[29].

Бундан ташқари тармоқ ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятли жиҳати, хусусан, тар-

моқ иқтисодиётининг заиф жиҳатларидан бир бўлган асосий маҳсулотни етиштиришдаги мавсумий омилларнинг юқори таъсири, айланма маблағлар айланишининг нисбатан секинлиги, асосий маҳсулотга нисбатан джавлат бурютмалари асосидаги нарохларнинг амал қилиши билан боғлиқ тармоқ ишлаб чиқаришидаги баҳо-лар паритетининг бузилиш ҳолатлар ушбу тармоқни давлат томонидан қўллаб қувватлаш тизими зарурлигини яна бир асоси ҳисобланган. Натижада қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодий ривожланишидаги ўрни 2000-2010 йилларда турли тенденцияни намоён қилган. Хусусан, расмдан кўришимиз мумкинки, Тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматининг йиллик ўсиш суръати кузатилган бўлиб, таҳлил қилинаётган даврда рецессион узилиш кузатилмаган. Лекин, йиллик ўсиш суръатидаги ($T_{agGB(va)}$) пасайиш 2002, 2005, 2009, 2010 йилларда кузатилган бўлиб, бунга асосий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида саноат ($T_{agI(va)}$) ва хизматлар ($T_{agS(va)}$) соҳасидаги ялпи қўшилган қийматнинг йиллик ўсиш суръати кучли таъсир этганлигини кўришимиз мумкин.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида ($T_{agA(va)}$) 2000-2004 йилларда йиллик юқори ўсиш кузатилган. Айниқса, 2002-04 йилларда Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғидаги ялпи қўшилган қийматнинг йиллик ўсиш суръати ($T_{agGB(va)} < T_{agA(va)}$) юқори бўлган. Лекин, 2006-2010 йилларда Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғидаги ялпи қўшилган қийматнинг йиллик ўсиш суръатида нисбатан пасайиш кузатилиб тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати умумий трендидан ($T_{agGB(va)} > T_{agA(va)}$) паст бўлган.



1-расм. 2000-2010 йилларда тармоқлар ялпи қўшилган қийматининг йиллик ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоизда


Манба: www.stat.uz-cajmu маълумотлари.

Ушбу тенденция 2011-2016 йилларда ҳам кузатилган бўлиб, тармоқларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари 106,1 фоиздан (2011, 2015 йиллар) то 107 фоиз (2012 йил) диапазонида ўсиб борган.

Лекин шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, 2011-2015 йилларда тармоқларнинг ялпи йиллик қўшилган қийматини йиллик ўсиш суръатида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган қўшилган қийматнинг ўсиш суръати пасайтириш тавсифида таъсир этган. Чунки бу даврларда тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати йиллик ўсишидан соҳадаги ялпи қўшилган

қийматнинг йиллик ўсиши ($T_{agGB(va)} > T_{agA(va)}$) паст бўлган.

Юқоридаги маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, 2000-2016 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиёт тараққиётидаги аҳамияти пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Ушбу тенденция асосан саноат ва хизматлар соҳасидаги нисбатан барқарор ўсиш суръатларини таъхминлаш ҳисобига кузатилган. Натижада, мамлакат ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган.



2-расм. 2011-2016 йилларда тармоқлар ялпи қўшилган қийматининг йиллик ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоизда

Манба: www.stat.uz-cajmu маълумотлари

Лекин шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш тенденцияси номинал мазмунда ўсиш тенденциясини намоён қилган. Чунки, саноат ва хизматлар соҳаси каби нисбатан юқори қўшилган қиймат даражасида қишлоқ хўжалигида яратиш имкониятлари чекланганлигига қарамасдан, мамлакатимиздаги тармоққа хос бўлган улкан имкониятлар ҳамда тармоқда яратилган маҳсулотларга бўлган аҳо-

лининг реал ижтимоий эҳтиёжлари ушбу тармоқни ҳам ривожлантириш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этган. Кейинги даврларда (2017 йилдан кейинги давр назарда тутилмоқда) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва уни интенсив ривожлантириш курсига ўтказиш масаласида бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

2-жадвал

Замонавий шароитларда қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг концептуал асослари


№	Ислохотларнинг йўналиши	Мақсади
1.	Кластер тизимига ўтиш	Ишлаб чиқаришни ягона занжирга ўтказиш
2.	Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш	Фермер хўжаликлари фаолиятини универсаллаштириш, кенг масштабдаги ривожланишини таъминлаш
3.	Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик дастури	Стратегик дастур яқин истиқболга тармоқни ривожлантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш мақсадида шакллантирилди.
4.	Қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш билан боғлиқ давлат харажатларини диверсификация қилиш.	Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектларини молиявий барқарорлаштириш, тўлиқ хўжалик мустақиллиги принципи асосидаги фаолиятни ривожлантириш орқали ўз ўзини молиялаштириш тизимига тўлиқ ўтиш.

Манба: муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

2-жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2017 йилдан қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ва умуман қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг марказида кластер тизимини жорий қилиш турганлигини таъкидлашимиз мумкин. Пахтачилик-текстил, ўсимликчилик, сабзавотчилик, гўшт-сут ва бошқа кенг спектрдаги кластерлар тизимига асосланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизими бир қатор афзалликларга эгадир. Кластер тизими орқали ярим тайёр маҳсулотлардан тайёр маҳсулотлар ишлаб

чиқаришнинг барча жараёнларини бирлаштириш орқали ягона ишлаб чиқариш занжирини ўзида мужассамлаштирувчи комплекс ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигида кластер тизимининг киритилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар етиштирувчиларни тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан тўғри ишлаш орқали хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари билан мустақкам занжирини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.



3-расм. Кластер тизими шароитида фермер хўжаликлари муносабатлари тизимининг ташкилий тузилмаси

Манба: муаллиф томонидан шакллантирилган.

Расмдан кўришимиз мумкинки, кластер тизимига фермер хўжаликлари етиштирган пахта хосили бўлча шартномани (1) “Узпахтасаноат” акциядорлик жамияти билан тузган. Текстил корхоналари учун эса пахта толасини

“Узпахтасаноат” акциядорлик жамияти (3) таъминлаб берган бўлса. Кластер тизими шароитида эса фермерлар тўғридан тўғри текстил корхоналари билан шартномаларни (2) имзолаш имкониятига эга бўладилар. Қишлоқ хўжалиги-

даги кластер тизими асосан икки йўналишда ташкил қилиниши кўзда тутилган. Биринчиси, фермерлар текстил корхоналари билан тўғридан тўғри шартнома (4) имзолаш имкониятига эга бўладилар. Иккинчи ҳолатда эса текстил корхонасининг ўзи катта салоҳият билан фермер хўжаликларини ўзи шакллантириш имкониятларига эга бўладилар. САНОВАР

Ушбу механизмни жорий қилиниши фермер хўжаликларини кўп профилдаги фаолиятни ривожлантириш имкониятларини яратмоқдалар. *Кўп профилдаги фермер хўжаликлари нафақат аҳолининг бирламчи эҳтиёжлари учун зарурий истемол маҳсулотлари ёки саноатда қайта ишланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаради, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва кенг спектрдаги турли хизматларни тақдим этувчи универсал хўжалик субъекти сифатидаги ривожланишини кўзда тутди. Кўп профилли фермер хўжаликларини ташкил қилиш қишлоқ жойларида ижтимоий иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг бош қафолати ҳисобланади. Чунки кўп профилли фермер хўжаликлари нафақат қишлоқ аҳолиси учун кундалик истемол қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини*

тақдим этади балки улар саноатда қайта ишланадиган маҳсулот ва хизматларни ҳам тақдим этиши имкониятларига эга бўладилар. Қолаверса улар фаолиятининг кенг спектрдаги ривожланиши ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш, замонавий иш ўринларини яратиш имкониятларига эга бўладилар.

Шунингдек, текстил корхоналари қишлоқ хўжалигини нафақат жорий ривожланиши учун балки, улардаги ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан модернизациялашга ҳам молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларига эга бўладилар. Бу жорий ҳолатда қишлоқ хўжалиги тараққиётининг муҳим заиф жиҳатларидан бири бўлган паст молиявий салоҳият натижасида тараққиётдан нисбатан ортда қолишга таъсир этувчи асосий омилларидан бири ҳисобланади. Юқори технологик машина ва техникалар билан жиҳозланган паркларнинг вужудга келиши қишлоқ хўжалигидаги долзарб муаммолардан бири бўлган таннархни иқтисод қилиш ва рентабеллик кўрсаткичларини оширишни таъминлайди.

3-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари кесимида Ўзбекистон республикасининг ялпи ички маҳсулот ҳажми, (жорий нархларда трлн. сўм)

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
ЯИМ, жами	255,4	317,4	424,7	529,4	602,2	734,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	22,4	34,8	45,6	45,3	44,4	53,2
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	232,9	282,7	379,1	484,1	557,8	681,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	74,8	90,9	113,7	130,3	151,3	183,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	58,5	74,8	117,9	166,7	190,7	235,4
Хизматлар	99,7	116,9	147,6	187,1	215,8	262,5

Манба: www.stat.uz-caimuz маълумотлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кластер тизимини жорий қилишнинг дастлабки босқичларида уни ташкил қилиш занжирларидаги циклик муаммолар мавжудлиги юзасидан самарали ишлаши билан боғлиқ муаммоларга дуч келинмоқда. Натижада 2017-2021 йилларда тармоқда яратилган ялпи қўшилган қийматнинг номинал миқдорида йиллик ўсиши кузатилган бўлса-да, тармоқларнинг ялпи ўшилган қийматидаги қишлоқ хўжалигининг улуши камайиб борди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистонда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулотнинг номинал қиймати жорий нархларда 2017 йилги 255,4 трлн. сўмдан 2021 йилга қадар 734,6 трлн. сўмга ўсиб борган. Ушбу ўсиш асосан

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасига тўғри келган бўлса-да, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қиймат жорий нархларда 2016 йилги 74,8 трлн. сўмдан 2021 йилга қадар 183,5 трлн. сўмга қадар ўсиб борган.

Умуман, юқоридаги жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, Ялпи ички маҳсулотнинг номинал қиймати бўйича жорий нархлардаги йиллик барқарор ўсишида ҳар бир тармоқ кесимида яратилган қўшилган қиймат ўзига хос улушга эга бўлиб, ушбу улуш йиллар мобайнида ўзгариш тенденциясини намоён қилган. Юқоридаги жадвал маълумотларига асосланган ҳолда тармоқлардаги ялпи қўшилган қийматда қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг улушини таҳлил қиладиган бўлсак қуйидаги манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин.


Ўзбекистон республикасининг ялпи қўшилган қиймати ва унда тармоқлар улуши, (жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	32,1	32,2	30,0	26,9	27,1	26,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	25,1	26,5	31,1	34,4	34,2	34,5
Хизматлар	42,8	41,4	38,9	38,7	38,7	38,6

Манба: www.stat.uz-caimu маълумотлари

Агар 2016 йилда қишлоқ хўжалигида яратилган қўшилган қийматнинг тармоқларда яратилган қўшилган қийматдаги улуши 32,1 фоизни, 2021 йилга келиб эса 26,9 фоизни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръати асосан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш натижасидаги саноатда яратилган қўшилган

қийматнинг ўсишига тўғри келган ва 2021 йилга келиб 34,5 фоизга ўсган. Ушбу пасайиш тенденциясида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш трендидан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигидаги қўшилган қийматнинг йиллик ўсиш трендини 2017-2019 йиллар (100,3 %дан 103,1 %гача) ва 2021 йилги 104,0 фоизлик паст кўрсаткичи ҳисобига таъминланган.



4-расм. Ўзбекистон республикасининг ялпи ички маҳсулоти ва тармоқлар ялпи қўшилган қийматининг ўсиш динамикаси, (олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати, %да)

Манба: www.stat.uz-caimu маълумотлари.

Маълумки, ялпи ички маҳсулотни моддий негизини тармоқларда яратилган ялпи қўшилган қиймат ташкил қилиб, унинг ўсиш суръати умумий тарзда қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар соҳасидаги яратилган қўшилган қийматга боғлиқ бўлиб, ҳар бир тармоқда яратилган қўшилган қийматни мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатига таъсир вази ва уни ўзгариши ушбу тармоқнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини ифодалайди. Бунини ҳисоблаш учун мамлакат қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қиймат ўзгаришини ($\Delta VAG(A)$) ялпи ички маҳсулотини йиллик ўзгаришига (ΔGDP) таъсири

эластиклиги (e_{GDP}) коэффицентидан фойдаланамиз.

Бунини қуйидагича яъни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигидаги ялпи қўшилган қийматни йиллик ўзгаришини ялпи ички маҳсулотни йиллик ўзгаришига нисбати орқали ҳисоблашимиз мумкин.


$$e_{GDP} = \Delta VAG(A) / \Delta GDP \quad (1.2.1)$$

Бунда, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида ялпи қўшилган қийматнинг ўзгариш суръати ($\Delta VAG(A)$) қуйидагича аниқланади:

$$\Delta VAG(A) = (VAG(A)_n - VAG(A)_{n-1}) / VAG(A)_n \quad (1.2.2)$$

Ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўзгариш суръати ҳам қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$\Delta GDP = (GDP_n - GDP_{n-1}) / GDP_n \quad (1.2.3)$$



5-расм. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қиймат ўзгаришини ЯИМ йиллик ўзгаришига таъсири эластиклиги кўрсаткичи коэффиценти

Манба: www.stat.uz- расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Олинадиган натижалар бўйича умумий мезон 1 коэффицент ҳисобланиб, Агар, $e_{GDP} > 1$ бўлса, демак қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қиймат мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотни ўсиш суръатига бошқа тармоқларга нисбатан юқори даражада таъсир кўрсатганлигини тасдиқлайди. Агар, $e_{GDP} < 1$ бўлса, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг йиллик ўсиш суръатини мамла-

катдаги ялпи ички маҳсулотга таъсири бошқа тармоқларга нисбатан пастлигини ифодалайди.

Ўзбекистон республикаси таҳлилий статистик маълумотлари асосида ҳисоблайдиган бўлсак, e_{GDP} кўрсаткичи 2015-2016 ва 2020 йилда 1 дан юқори бўлган. Демак ушбу даврлардаги қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотининг номинал қийматини ўсиш суръатига таъсири юқори бўлган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари

- Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- Қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;
- Соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибadorликни ошириш;
- Табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш;
- Давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш;
- Тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш;
- Қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;
- Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш;
- Тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.

6-расм. 2020-2030 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони 1-илоvasи асосида шакллантирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2017-19 ва 2021 йилларда ҳисобланаётган эластиклик коэффиценти 0,65-0,97 диапазонида тебраниб, 1 дан паст бўлган. Демак, бир сўз билан айтганда тадқиқ қилинаётган тармоқнинг миллий иқтисодиётда яратилаётган ялпи ички маҳсулотни ўсиш суръатидаги ҳиссаси ушбу йилларда паст бўлган. Яъни қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи номинал ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш трендини пастайтириш тавсифига эга бўлган. Бундан ташқари, ушбу тренд маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкинки, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик соҳасидаги ялпи қўшилган қиймат номинал қийматини ($\Delta VAG(A)$) йиллик динамик ўзгариши 0,13-2,0 коэффицентда тебранмоқда. Демак, номинал қийматни йиллар мобайнида 2 баробарга ошириш учун ўртача 5-6 йил давр талаб қилинади. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5853-сон Фармони билан “2020-2030-йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланиб, ушбу армонга асосан 2020 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлан-

тиришда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик истиқболли йўналишлари б-расмда келтирилган:

2020-2030 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари марказида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш туриши табиий ҳолдир. Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий эътибор уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш назарда тутилиб, аҳолининг кенг ижтимоий қатламлари учун зарурий миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назарда тутадиган озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган. Бу ўз навбатида экологик тоза табиий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва аҳолининг кенг эҳтиёжларини таъминлаш орқали рўёбга чиқарилади. Ушбу масала нафақат миллий масштабдаги долзарб масала, балки, глобал масштабда долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

5-жадвал

Дунё ва Ўзбекистон аҳолисининг озиқ овқат хавфсизлиги бўйича айрим кўрсаткичлари[27]

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Дунё миқёсида											
1.	Тўйиб овқатланмасликнинг тарқалиши, фоизда	8,2	7,9	7,8	8	7,8	7,6	7,7	8,0	9,3	9,8
2.	Тўйиб овқатланмадиган дунё аҳолиси сони (миллион киши)	584,7	570,7	571,6	588,6	585,1	573,3	590,6	618,4	721,7	767,9
3.	Озиқ овқат хавфсизлигидан азият чекувчи аҳоли сони (млн. киши)	-	-	564,9	554,4	588,5	622	687,4	716,9	850,1	923,7
Ўзбекистон											
4.	Аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиганлар улуши, фоизда	3,4	4,1	1,9	2,2	2,1	3,2	6,3	4	5,6	5,4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014 йилда дунё аҳолиси таркибида тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши 7,8 %ни ташкил қилиб, жами 571,6 млн. кишини ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб 9,8 %га ёки 767,9 млн. кишига етган. Озиқ овқат хавфсизлигидан азият чекаётган дунё аҳолисининг сони 2021 йилга келиб 923,7 млн. кишини ташкил қилади. Ўзбекистонда эса аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиганлар сонининг улуши 2014 йилда 1,9 фоизни, 2018 йилда эса 6,3 %ни ва 2021 йилга келиб 5,4 фоизни ташкил қилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланишига салбий таъсир этувчи асосий омил асосий маҳсулотга нисбатан давлат буюртмаларининг мавжудлиги ва ушбу буюртмалар бўйича белгиланган фиксирланган нархларнинг амал қилиши ҳисобланар эди. 2020

йилда дон маҳсулотларига давлат бюртмаси 25 фоизга қисқариб, 2021 йилдан давлат харидлари учун нархларни белгилаш амалиёти бекор қилинди. Шунингдек, пахта хом ашёси учун нархларни белгилаш амалиёти бекор қилинди.

2020-2030 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш белгилаб олинган бўлиб, ушбу ислохотларни амалга ошириш орқали аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб беришдаги баҳолар паритетининг бузилиши ҳолатларини олди олиниши ва уларда бозор

даражасидаги тармоқ рентабеллигини таъминлаши мумкин.

Ушбу ислохотлар натижасида 2030 йилга бориб қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерларнинг майдони 1,1 млн. гектарга ортиши кутилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги ўртача унумдорлик даражаси 1,7 баробарга

ортиб, ҳар бир банд ишчилар учун 6,5 минг АҚШ долларини ташкил қилиши режалаштирилган. Қайта ишланадиган маҳсулот ҳажмини 30 % гача ошириш орқали тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва экспортнинг номинал қийматини 20 млрд. долларга ошириш кўзда тутилмоқда.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/4567334>
2. <https://lex.uz/docs/5309655>
3. **Penson, John.** *Introduction to Agricultural Economics (What's New in Trades & Technology) 7th Edition (2022)*
4. **Лишанский М.Л.** *Краткосрочное кредитование сельскохозяйственных предприятий: учебное пособие для вузов.-М.ЮНИТИ-ДАНА, 2000.*
5. **Andrew Barkley.** *Principles of Agricultural Economics 3rd Edition. 2020.*
6. **Charles B.Moss.** *Agricultural Finance (Routledge Textbooks in Environmental and Agricultural Economics). 2013*
7. **V. Eldon Ball Roberto Fanfani Luciano Gutierrez.** *The Economic Impact of Public Support to Agriculture. 2010.*
8. **Сладкова, Т. В.** *Государственная поддержка сельского хозяйства как фактор повышения конкурентоспособности АПК в условиях ВТО / Т. В. Сладкова, Н. И. Пыжикова; Сибирский федеральный университет. – Красноярск: Сибирский федеральный университет (СФУ), 2016. – 124 с.*
9. **Минаков И.А., Сабетова Л.А., Кастирнов Н.П. и др.** *Экономика сельскохозяйственного предприятия 2-е изд., пер. и доп. Учебник / под ред. И.А. Минакова. – М.: - ИНФРА-М, 2018. – 363 с. 2. Минаков И.А. Экономика предприятий АПК. Учебник / И.А. Минакова. – изд-во Мичуринского госагроуниверситета. 2019.*
10. **Кундиус, В. А.** *Экономика агропромышленного комплекса: учебное пособие для системы доп. проф. образования; доп. МСХ РФ [Текст] / В. А. Кундиус. - М.: Кнорус, 2013.*
11. **Третьяк, Л.А., Белкина, Н.С., Лиховцева, Е.А.** *Экономика сельскохозяйственной организации: Учебное пособие, 2-е изд. [Текст] / Л.А. Третьяк. – М.: ИТК Дашков и К, 2015*
12. **У.Умурзаков, У.Сангирова.** *“Экономика АПК”, Учебное пособие. – Т.: ТИИИМСХ, 2019. – 300 стр*
13. **Муродов Ч., Саттаров Р.** *Қишлоқ хўжалигини ривожлантириши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.*
14. **Ҳакимов Р.** *Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти (дарслик), Т. 2007.*
15. **Kuznetsov, S.A. (1998).** *Great Dictionary of the Russian language. – St. Petersburg, “Norint”*
16. **Bodi, Zv., Merton R.K. (2013).** *Finance. – Moscow, Publishing House “Williams”, 2013. Bolshakov, S.V. (2006).* *Finance companies. Theory and practice. – Moscow: Book World, 2006. – 617 p.*
17. **Varulin, S.V. (2010).** *Finance. – Moscow, KNORUS, 640 p.*
18. **Zyatkovskyy, I.V. (2000).** *The financial support of business – Ternopol, Economic thought, 215 p.*
19. **Sokolska, T.V. (2014).** *Financial support for agriculture. Economy and management of agribusiness, issue 1, p. 140-146.*
20. **Oparin, V.N. (2001).** *Finance (general theory). – Kyiv, Kyiv National Economic University, 240 p.*
21. **Dikan, L.V., Holub, Yu.O. (2007).** *Financial support for the enterprise: the nature and source. Economy Development, issue 3 (43), p. 65–68.*
22. **Rajabov N.** *ZONAL POLICY CONCEPT: PROSPECTS FOR EFFECTIVE INVESTMENT CLIMATE MANAGEMENT //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. Maxsus son. – С. 212-219.*
23. **Осмоловская П.С.** *Инвестиционное развитие сельского хозяйства региона. // Текст научной статьи по специальности «Экономика и экономические науки» <https://cyberleninka.ru/article/n/investitsionnoe-razvitie-selskogo-hozyaystva-regiona>.*
24. **Аганбегян А.Г.** *Устойчивый рост сельского хозяйства и его финансовое обеспечение. // Ж. ДЕНЬГИ И КРЕДИТ. №7, 2017 г*
25. **Нейфельд, О.П.** *Оценка управленческих рисков в аграрной сфере - важная задача мониторинга / О. П. Нейфельд // Агропромышленная политика России. – 2016. – № 9. – С. 47-50.*
26. **Абдуғаниев А.** *Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. -340 б.*
27. **FAO.** *Аналитический доклад “Положение дел в области ” FAO. Аналитический доклад «Положение дел в области продовольствия и сельского хозяйства: инвестирование в сельское хозяйство ради улучшения будущего» Продовольственная и сельскохозяйственная программа ООН Рим, 2012 г.<https://www.fao.org/themes/en/>*
28. **Дарья Ильина** *//Реформирование сельского хозяйства в Узбекистане // <https://ifmr.uz/publications/articles-and-abstracts/agriculture>*
29. **Курбонов Х. А.,** *Улучшение конкурентоспособности в секторах экономики Узбекистана посредством электронной коммерции//ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ОНЛАЙН-ОБРАЗОВАНИЕ: КЛЮЧЕВЫЕ ТРЕНДЫ И ПРЕПЯТСТВИЯ// М а т е р и а л ы Международной научно-практической конференции (Екатеринбург, 26 мая 2022 г.),53-57стр.*